

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#10 (2096) | ШАНБА, 11 МАРТ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS_NAZAR

@XOLISNAZAR

18 МАРТ — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КУНИ



«ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ»

2-
саҳифада.

«АЁЛНИ ОЖИЗА ДЕБ ЎЙЛАМАНГ»...

Касбидан кадр топганлар сафида турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб келаётган, ўз ишининг устаси, фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақиға ҳисса қўшаётган аёлларнинг борлиги қувонарлидир. Хусусан, Президентимизнинг «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муқофотлаш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ, маҳалла тизимида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар муқофотланди.

6

ТИББИЁТ ХОДИМИГА ТАЖОВУЗ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ўз хизмат вазифасини бажараётган, тегишли жисмоний ва махсус тайёргарликдан ўтган ва ёнида ўқитар қуроли ҳам бўлган ички ишлар ходимиға муштумзўрлик қилган қонунбузарнинг ҳаракатлари безорилик деб баҳоланади. Лекин худди шундай халққа хизмат қилаётган оддий шифокорнинг соғлиғиға ҳеч бир сабабсиз тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган шахснинг ҳаракатлари безорилик деб топилмайди ва у енгилроқ жазо олади.

7

ХУНАР ИНСОННИ ҲАМ, ҲАЁТНИ ҲАМ БЕЗАЙДИ

Кўп миллатли маҳалламиз аҳли Киноқ ва тотувликда ҳаёт кечиради. Айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, муаммоларини ҳал этишда маҳалладаги «бешлик» ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Жумладан, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли лавозими аёллар ва қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарға ўқитиш, тadbиркорлиғиға кўмаклашиш, оилалар муаммолари билан ишлашда муҳим воситаға айланди.

14

ТЕҒАЖОҒЛИҚ, БУ — ХУШОМАДМИ ЁКИ ЗЎРАВОНЛИҚ?

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда тегажоглиқ содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг бўлиши мумкин бўлган қилмишларнинг рўйхати тузилмаган. «Тегажоглиқ хушомадми ёки зўравонлик ёхуд тазйиқ?», деган масалаларни тартибға солиш ишлари қонунчиликда мавҳум бўлиб қолмоқда.

16

«ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ»



ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ДАРАХТЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ИШЛАРИ ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШИ КЎРИНИШИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига кўра, 2023 йилнинг 18 март кунини юртимиз бўйлаб «Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки» шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Ҳашар мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш ҳамда муборак Рамазон ойини қарши олишга тайёргарлик кўриш мақсадида амалга оширилади.

Дарахтларни парваришлаш ишларига ҳақ тўланади

Қандай талқин этилмасин, халқимизда тўй-тадбирлар, тантаналар, байрамлар олдида ҳамма жойни обод этиш, озода, саришта сақлашга доир ишлар кўлами янада авж олиши бор гап. Бу жиҳатлар ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган умумхалқ хайрия ҳашарларида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Бу жараёнда маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар атрофи, аҳоли тураржойлари озода, тартибли ҳолатга келтирилади. Маъмурий биноларнинг атрофи, кўча ва хиёбонлар, йўл-йўлаклар, гузарлар, зиёратгоҳлар, муқаддас масканлар ободонлаштирилади.

Бу йилги ҳашар «Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки» шиори остида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, миллийлигимизнинг муҳим кўриниши саналган маҳалла ва ҳашар қадрияти замирида халқимизнинг бой тарихи, бебаҳо маънавий урф-одат ва анъаналари, халқимизнинг инсонийлик, олижаноблик, меҳр-саховат каби эзгу фазилатлари мужассам. Бу жиҳатлар жорий йилги ҳашарда ҳам ўз аксини топиб, унинг доирасида бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилади.

Мисол учун, «Маҳалламга 10 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида барча тураржой мавзелари ва маҳаллаларда иклим шароитига мос ҳамда суғориш тизимини ҳисобга олган ҳолда 1 миллион тупга яқин манзарали, 500 минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилиши, 2 миллион тупдан зиёд гул кўчатларини экиш режалаштирилган.

Аҳолига ҳомийлик маблағлари ҳисобидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари бепул етказиб берилади.

Аҳоли пунктларида қаровсиз қолган ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, мазкур тадбирларга аҳолининг банд бўлмаган қатламини ихтиёрийлик асосида жалб қилиш чоралари кўрилади. Энг муҳими, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир маҳаллада дарахтларни парваришлаш ишлари ҳақ тўланадиган жамоат иши кўринишида ташкил қилинади.

Ҳашар кунлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига муруват ёрдамлари кўрсатиш аъёнига айланган. Шунга монанд 5 мингга яқин оиланинг уй-жойлари таъмирлаб берилади. Бунинг учун 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Шунингдек, 2 мингдан зиёд имконияти чекланган юртдошларимиз ҳамда якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинади. 7 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Бунинг учун жами 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилади.

Ҳашар доирасида республикада 12 минг гектарга яқин майдонни ободонлаштириш режалаштирилмоқда. 11 минг тоннага яқин маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланиб, 1300 километрдан зиёд ариқ ва лотоклар тозаланади. 8 минг 500 дан зиёд қабристонлар 400 га зиёратгоҳлар ободонлаштирилади.

Қаерларда ҳашар ўтказиш тақиқланади?

Қайд этиш керакки, қонунчиликка кўра, умумхалқ ҳашарини ўтказиш юзасидан фақатгина Президентнинг тегишли ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлган тақдирда, ҳашарда иштирок этадиган шахслар меҳнат қиладиган тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этган ҳолда, фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилиши ва ўтказилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишларида аҳолининг ихтиёрий иштирок этишини ташкил этади.

Автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланади.

Шу ўринда яна бир муҳим фикр: авваллари ҳар йили икки марта ўтказиладиган умумхалқ ҳашари давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фойдасига ҳар бир ишлайдиган фуқаронинг ойлик иш ҳақидан бир кунлиги мажбурий равишда ушлаб қолинар эди. Бунда фуқаронинг мазкур вазиятга рози ёки рози эмаслиги мутлақо аҳамиятсиз ҳисобланган. Аммо кейинги пайтларда мазкур ҳолатга чек қўйилмоқда.

Қонунчилик бўйича ҳашар муносабати билан ходим ўзи рози бўлмаса, иш ҳақидан мажбурий ушлаб қолинмайди. Чунки Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра, ходимнинг ёзма розилиги бўлмай туриб, унинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур моддада иш ҳақидан ходимнинг розилигисиз ҳам ушлаб қолиниши мумкин бўлган ҳолатлар санаб ўтилган бўлиб, улар орасида ҳашар назарда тутилмаган.


Розилик деганда, ҳар бир ходимнинг ёзма розилиги назарда тутилади. Кўп ҳолатларда шунчаки ташкилот ходимлари жамоаси номидан битта баённома қилиниб, худдики ўша мажлисда ҳамма ходим қатнашгану, ҳашарга бир кунлик иш ҳақини беришга рози бўлгани ҳақида ёзиб қўйилади. Лекин ходимлар буни билмайди ҳам. Аслида, бу ҳам нотўғри, бундай усул билан ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ноқонуний.

Фаол бўлинг, бефарқ бўлманг!

Гарчи ҳашар 18 март санасига белгиланган бўлса-да, чор-атрофга гул ниҳоллари, турфа кўчатлар ўтказиш, ҳамма ёқин чиннидек озода, файзли ҳолатга келтириш ишлари юртимизнинг ҳар бир гўшасида баҳорнинг илк кунлариданоқ бошланиб кетган. Шундай экан, имконингиз бўлса, ҳашарда, албатта, қатнашинг, атрофимизни ободонлаштириш, тозалаш ишларида фаол бўлинг! Кам таъминланган, ногиронлиги бор оилаларга ёрдам бўлини чўзинг, улардан ҳол-аҳвол сўранг! Жамоатчилик ишларида бефарқ бўлманг!

КОНСТИТУЦИЯ

ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



МОДДАЛАР СНИ АМАЛДАГИ 128 ТАДАН 155 ТАГА, НОРМАЛАР СНИ 275 ТАДАН 434 ТАГА КЎПАЙМОҚДА. КОНСТИТУЦИЯ МАТНИ 65 ФОИЗГА ЯНГИЛАНГАН, ШУНИНГ УЧУН ҲУЖЖАТ НОМИ «КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР» ДАН «КОНСТИТУЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ»ГА ЎЗГАРТИРИЛДИ

Жорий йилнинг 9-10 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама қилинди. Айтиш керакки, лойиҳада бир қатор муҳим нормалар илғари сурилмоқда. Қуйида улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

27 ТА ЯНГИ МОДДА ҚЎШИЛАДИ

Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалари 275 тадан 434 тага ошгани, яъни Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар уч ярим бараварга кўпайганидан келиб чиқиб, лойиҳани янги таҳрирдаги Конституция сифатида қабул қилиш учун барча асослар етарли.

Янгиланаётган Конституцияда аҳолининг барча қатлами манфаатлари инобатга олинади. «Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган конституциявий тамойил муҳрланиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 бараварга ошаётир. Жумладан, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истемол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас. Фуқаролар тиббий ёрдамнинг қонунда кафолатланган ҳажмини бепул олишга ҳақли.

КИМЛАР СУРУНКАСИГА ИККИ МАРТА САЙЛАНМАЙДИ?

Конституциявий қонун лойиҳасида давлат ҳокимиятининг бир қатор лавозимларига нисбатан аниқ бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ушбу лавозимга сайланиши (тайинланиши) мумкин эмаслигига оид демократик қоида киритилмоқда. Булар — Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси, ҳоким, Олий суднинг раиси ва раис ўринбосари, Судьялар олий кенгашининг раиси ва раис ўринбосари, Марказий сайлов комиссиянинг раиси, Бош прокурор лавозимларидир.

Шунингдек, сенаторлар сони амалдаги 100 тадан 65 тага камаймоқда. Бунда ҳар бир ҳудуддан 4 тадан сенатор сайланади, Президент томонидан тайинланган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтиради.

БОШ ВАЗИР НОМЗОДИНИ ДЕПУТАТЛАР КЎРИБ ЧИҚАДИ

Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджетни ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш каби ваколатлар бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатаси ваколатига ўтказилмоқда. Бу ўзгариш қуйи палатанинг вакиллик табиатига ва илғор хорижий тажрибага тўла мос келади.

Амалдаги тартибга кўра, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш фақат Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп овоз олган партия ёки партиялар иродасига боғланган эди. Янги таклиф этилаётган тартиб орқали барча сиёсий партиялар фракцияларининг нафақат Бош вазир номзодини кўриб чиқишда, балки бутун Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки таъминланади. Фаолияти қониқарсиз, деб топилган вазирни лавозимидан озод этиш бўйича Қонунчилик палатасининг Президентга таклиф киритиш ҳуқуқининг белгиланаётгани Ҳукумат аъзоларининг халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙРИМ ВАКОЛАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТГА ЎТАДИ

Олий Мажлиснинг жамяят ҳаётидаги ўрни, роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтказилмоқда. Хусусан, Бош

прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиш, шунингдек, монополияга ва коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш амалиёти жорий этилмоқда. Шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод аввал Сенат билан маслаҳатлашилгандан кейин Президент томонидан тайинланиши тартиби жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис ва Президент олдидаги масъулияти кучайтирилади. Жумладан, Ҳукумат ўз фаолиятини Президент томонидан белгилаб берилган ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий йўналишлари доирасида амалга оширади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамасининг муайян аъзосининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботини эшитиш ҳамда зарур бўлганда, уни истеъфога чиқариш тўғрисида Президент кўриб чиқиши учун таклиф киритиш ваколати берилади.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИ

Янги Конституция тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлмоқда. Яъни энди барча фуқаролар ҳаттоки ўзининг кундалик ҳаётида ҳам Конституцияга мурожаат қилиши мумкин. Ундаги барча нормалар, уларни қандай амалиётда қўллашни очиб берувчи қонунчилик ҳужжати мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, тўғридан-тўғри ишлайди. Бу масала юзасидан Олий суд Пленумининг қарори қабул қилинади.

Навбатдаги масала — Конституцияга киритилаётган таклифга мувофиқ, эндиликда қонунларимизда сайлаш ҳуқуқи чекланган шахслар рўйхати бўлмайди. Фақатгина суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек,

оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Яъни юқорида санаб ўтилган шахслар, уларнинг сайлаш ҳуқуқи суднинг қарори билан чекланган бўлсагина улар сайловда иштирок эта олишмайди, бошқа ҳар қандай вақтда улар ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади. Масалан, солиқ қонунчилигида бир-бирига номувофиқ бўлган нормалар вужудга келди. Бундай номувофиқликни, табиийки, солиқ органи давлат фойдасига, фуқаро эса ўз фойдасига талқин қилиши истайди. Конституцияга киритилаётган мазкур кафолат бундай баҳсга нуқта қўяди ва номувофиқликлар давлатга эмас, балки инсон фойдасига ҳал этилади, деб қатъий белгилайди.

РЕФЕРУНДУМ САНАСИ АНИҚ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилди, кейинчалик у референдумга қўйилади.

Мажлисида Конституция тўғрисидаги қонун лойиҳасини халқ сайлови — референдумга қўйиш масаласи кўриб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳририни қабул қилиш бўйича референдум 30 апрель, якшанба кунини бўлиб ўтади.

**АСЛИДА
МУРОЖААТ –
БУ ОДАМЛАР,
ЖАМИЯТ
ҚАНДАЙ НАФАС
ОЛАЁТГАНИНИ
ЯҚҚОЛ НАМОЁН
ЭТАДИГАН ҚАЙСАР
ИНДИКАТОР.
БИТТА ТИЗИМЛИ
МАСАЛАНИ
ҲАЛ ҚИЛИШ
БИЛАН МИНГЛАБ
МУРОЖААТЛАРГА
ОҚИЛОНА ЕЧИМ
ТОПИШ МУМКИН**



ТАРИХИЙ ВОҚЕА: 481 ТА МАҲАЛЛАГА ОБИ-ҲАЁТ БОРЯПТИ

Республика ишчи гуруҳи Тошкент вилоятида аҳоли муаммоларини ўрганиш, иқтисодий-ижтимоий аҳоли энг оғир маҳаллалардаги тизимли масалаларни ҳал қилиш бўйича фаолият олиб борди. Бу жараёнда йўллар таъмири, электр энергияси, ичимлик сув таъминоти каби аҳолининг энг бирламчи ҳаётини эҳтиёжлари билан боғлиқ муурожаатлар жойига чиқиб ўрганилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муурожаатлар таҳлиliga асослангани учун том маънода халқ овозини англаиб турадиган, халқ дардига дармон бўладиган тарихий ҳужжатдир. Шу ҳужжат шарофати билан бугун Тошкент вилоятининг юзлаб маҳаллаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари боис кўплаб тизимли масалалар ҳал бўляпти.

Ичимлик сув – инсон ҳаёти учун энг зарур неъмат, тириклик асосидир. Республика ишчи гуруҳи кўмаги билан Тошкент вилоятининг 481 та маҳалласида 114,2 км. ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари жадаллаштирилгани билан оби-ҳаёт сўралган минглаб муурожаатлар ҳал қилинмоқда. Бир эътибор беринг: айни кунларда биргина Тошкент вилоятининг 481 та маҳалласида ичимлик сув тортиляпти ва бундай кенг қамровли бунёдкорлик ҳаракати вилоят тарихида биринчи марта юз бермоқда. Бу – давлатимиз раҳбари илгари сурган «Инсон

қадрини ҳаётининг реал ҳаётимиздаги амалий натижасига ёрқин ҳаётини исбот, минг-минглаб инсонларнинг ўз умридан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўлидаги дадил қадамдир.

Яна бир мисол: бу жараёнда 4 та трансформатор ўрнатилиб, 41,3 км. электр тармоғи тортилиши 1 минг 250 дан зиёд бетон таянчлар ўрнатилиши билан 43 та маҳалладаги электр таъминоти яхшиланди. Айтайлик, Янгийўл тумани Қовунчи қишлоғида шу кунларда 3 км. электр тармоғини янгилашга киришилган. Бу билан 148 та хонадонда электр энергияси кучланиши меъёрга келтирилиб, 18 фойз электр токи йўқотишларига барҳам берилди.

Умуман, мамлакатимизда ҳал қилинаётган ҳар бир тизимли масала замирида минглаб инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳаётдан розилиги мужассам. Бу эса давлатимиз раҳбари асос солган халқ билан мулоқот тизими аслида халқ қалбидан бошланган тараққиёт магистрали эканига яна бир ҳаётини исботдир.

Бу борадаги энг муҳим вазифалардан бири – аҳолининг дастур-

хони тўқинлигию рўзғори бутлигини таъминлаш, ишсиз инсонлар учун доимий иш ва барқарор даромад манбаи яратиб беришдан иборат. Айни шу мақсадда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 463 нафар муурожаатчига 11,7 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди, 1 минг 380 нафардан зиёд ишсиз инсонлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. Халқ қабулхоналари, секторлар ва маҳалла институтининг ўзаро уйғун ишлашини таъминлаш бу борадаги муҳим платформа бўлади.

Инсон руҳиятида ҳамиша янги-ланишга катта бир эҳтиёж яшайди. Республика ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятидаги фаолияти давомида ҳам вилоятга том маънода кўклам, уйғониш кириб келди. «Наврўз» умумхалқ байрами муносабати билан маҳаллаларда «Сумалак сайли» тадбирлари ўтказилаётган бўлса, дашту далаларда баҳорги юмушлар бошланди.

Ободонлаштириш ишлари, кўчат экиш тадбирлари янада авжлантирилди. Дарвоқе, бу йил баҳорги мавсумда Тошкент вилоятида «Яшил макон» умуммиллий

лойиҳаси доирасида қарийб 10 млн. 142 минг туп мевали-манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Нурафшон шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғидаги бу жараёнларга гувоҳ бўлиб, аслида ҳам ҳар бир инсоннинг қалбида ўз боғи бўлиши, бу боғ кўркемлиги учун унга ҳамиша эзгулик, гўзаллик ва меҳр ниҳоллари экилиши лозимлигини англадик.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятидаги ўрганишлари давомида ҳар бир туман-шаҳардаги долзарб, тизимли масалалар муурожаатлар таҳлили ва дастурлар ижросига боғлиқ ҳолда ҳар томонлама чуқур ўрганилди. Аниқланган муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал этиш мақсадида молиялаштириш манбалари, ижро муддатлари ва масъул ижрочилар белгиланган ҳолда туман, шаҳарлар учун алоҳида «йўл хариталари» ишлаб чиқилди. Бу борадаги ишлар натижадорлиги ҳар бир раҳбар ва масъул фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлади.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ишчи гуруҳи Андижонда иш бошлади



Дастлаб 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорининг ижроси ўрганилди. Унга кўра, мазкур қарор ижроси бўйича йўл қўйилган қатор камчиликлар ва бажарилмаган ишлар аниқланди.

Хусусан, вилоят бўйича режалаштирилган баъзи ижтимоий соҳа объектларнинг қурилиш ишлари бошлангани, таъмирланиши режалаштирилган ички йўллар, жойларда ичимлик суви таъминоти, янги электр тармоғи тортиш ва қўшимча газ қувири ўтказиш каби муҳим йўналишларда камчиликлар қайд этилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда ижтимоий инфратузилма ҳолатини яхшилаш бўйича 7,8 км. йўл таъмирланди, 2 дона янги трансформатор,

24 та темир-бетон таянчлар ўрнатилди, янги электр тармоғи тортилмоқда. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида 54 та маҳаллада 18,1 км. тармоқ ишга тушди, Жалақудуқ тумани «Хасанқовоқ» маҳалласи ва Избоскан тумани «Ифтихор» маҳалласида сув миноралари созланди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишида вилоятда 2 420 нафар фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Республика ишчи гуруҳи фаолияти вилоятда давом этмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

**ШИФОХОНАДА
ДАВОЛАНАЁТГАН
НОГИРОНЛИГИ БОР
БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК
ҚИЛАЁТГАН ШАХСЛАРГА
БОЛАНИНГ ЁНИДА
БЎЛИШ УЧУН ШАРОИТ
ЯРАТИЛАДИ, МАЗКУР
ДАВР УЧУН МЕҲНАТГА
ЛАЁҚАТСИЗЛИК
ВАРАҚАСИ ВА БЕПУЛ
ОВҚАТ БЕРИЛАДИ**



Б

угунги кунда юртимизда ногиронлиги бўлган шахслар 896 минг нафарни (аҳолининг 2,5 фоизи) ташкил этади. Улардан 159 минг нафари 18 ёшгача бўлган, 518 минг нафари меҳнат ёшидаги ва 219 минг нафари пенсия ёшидаги шахслардир. Айтиш керакки, сўнгги йилларда бундай тоифадаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини барвақт ўрганиш ва ҳал этиш, шубҳасиз, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президент фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида айтилган йўналишдаги муҳим ва анча вақтдан буён кутилган вазифалар белгиланган. Мисол учун, ногиронликни белгилашда фуқароларга қўшимча энгилликлар яратиш мақсадида **2023 йил 1 мартдан бошлаб**, ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида **ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган**, касаллигининг оғирлиги ва унинг асоратларидан келиб чиқиб **уларнинг иштирокисиз белгиланади**. *Натижада йиллик 27 минг нафар фуқаро (25 фоиз) Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормайди ва уларга ногиронлик сирдан белгиланади. Бунда ногиронликни белгилашда даволаш муассасаларидан касаллик тарихи кўчирмалари электрон қабул қилинади.*

Тиббий хулоса талаб қилинмайди

Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг 2023 йил 27 февралда «**Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Президент қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат бундай тоифадаги фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг жамият ҳаётида тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда янада қулай бўлган тизим яратиш йўлида жуда катта қadam бўлди.

Қарорга мувофиқ, 2023 йилда **475 нафар** муҳтож шахслар замонавий оёқ протез-ортопедия буюмлари билан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган ва I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан **бепул** таъминланади. Бунда замонавий воситалар энгил, қулай ва яроқлилик муддати 5 йилдан кам бўлмаслигига эътибор қаратилади.

2023 йил 1 сентябрдан ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлашда **тиббий хулоса талаб қилинмайди**.

Навбатсиз тартиб жорий этилади

Бугунги кунда айрим давлат хизматларидан фойдаланишда фуқаролар хизмат кўрсатиш жойларига, масалан, Давлат хизматлари марказларига ташриф буюриши, шунингдек, баъзи муаммоли масалаларни ҳал этиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат идоралари раҳбарлари ёки мансабдор шахслари қабулига шахсан кириш зарурияти туғилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, қарорда уларнинг навбатда кутиб қолмаслик ва ортиқча ноқулайликка дуч келмаслиги учун I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчилар давлат хизматларидан **навбатсиз фойдаланади**, мансабдор шахслар қабулига **навбатсиз киради**.

Шунингдек, педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари болани ногиронлиги бўлган шахс деб топганда, уларга пенсия тайинлашда **қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш бекор қилинади**. «Юридик ёрдам» ахборот тизимида ногиронлиги бўлган шахсларга **бепул ҳуқуқий ёрдам бериш** учун алоҳида мурожаат бўлими яратилади.

2023/2024 ўқув йилида **абитуриентлар** учун мўлжалланган қабул тартибига оид маълумотлар ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматда бўлади. Бунда видеороликлар сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилади. Ўқиётган ногиронлиги бўлган талабаларга таълим жараёнида кўмаклашиш учун унинг яқинларидан бирига **ОТМда ёнида бирга бўлиш учун** шароит яратилади.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири, бу — унда нафақат ногиронлиги бўлган шахсларга, балки уларга ғамхўрлик, ҳамроҳлик қилаётган, оғирини энгиллаштираётган яқинларига ҳам имтиёзлар берилганлигидир. Мисол учун, **2023 йил 1 майдан** шифохоналарда даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилаётган шахсларга боланинг ёнида бўлиш учун шароит яратилади, мазкур давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бепул овқат берилади.



Имтиёзлар ягона рўйхатда жамланади

Сир эмас, ҳозирга қадар қонунчилик билан ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилаётган ота-оналар, яқинларга қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар берилган. Масалан, ходимлар сони (штатлар) қисқарганда, ўз иш жойида қолиш, навбатсиз чипта олиш, тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда биринчи навбатда хизматдан фойдаланиш, болаларни боғча ва мактабга имтиёзли навбатда жойлаштириш, кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидан ёки лифт билан жиҳозланган уйлардан квартира олиш ва бошқа имтиёзлар берилган.

Бироқ мазкур имтиёзлар бир қатор қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолатда белгилангани, уларнинг ягона рўйхати йўқлиги қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто амалиётда айрим фуқаролар уларда қайсидир масала юзасидан имтиёзнинг мавжудлиги ҳақида маълумотга эга эмас. Шу боис 2023 йил 1 июнгача ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчиларга берилган **имтиёзларнинг ягона рўйхати** шакллантирилади. Мазкур рўйхат Адлия вазирлигининг «Advice.uz» ҳуқуқий порталига жойлаштирилади.

Умуман олганда, жорий йилда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор эзгу ташаббуслар амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад аниқ: имтиёз ва имкониятлар бундай фуқароларга энгиллик яратсин, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини ҳис этсин, бошқалар каби ҳаётдан завқланиб яшасин. Юқорида белгиланган вазифалар бунга замин яратилади, албатта.

Санжар ИСМАТОВ.



«Аёлни ожиза деб ўйламанг»...



ФАРҒОНА ШАҲАР «СУРХТЕПА» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ РАЪНОХОН ХОЖИБОЛАЕВА ТАШАББУСЛАР МАҲАЛЛА АҲЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЁТИР

Касбидан кадр топганлар сафида турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб келаётган, ўз ишининг устаси, фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақиға ҳисса қўшаётган аёлларнинг борлиги қувонарлидир. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 6 мартдаги «8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ, самарали меҳнати билан маҳалла тизимида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар мукофотланди.

Улар орасида Фарғона шаҳридаги «Сурхтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси Раънохон Хожиболаева «Шухрат» медални билан тақдирланди. Қажрамонимиз бу нуфузли мукофотга муносиб кўрилгани бежиз эмас. Айни пайтда ҳоким ёрдамчиси сифатида катта ютуқларға эришмоқда. Ундаги ташаббускорлик эса эътиборға лойиқ.

– Фаолиятимнинг дастлабки куниди ишни 748 та хонадонда яшовчи 4 197 нафар аҳолини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни тоифалар асосида махсус қайдномаға жойлаштиришдан бошладим, – дейди Р.Хожиболаева. – Маҳалланинг «драйверидан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ерларидан унумли фойдаланишни ташкил қилиш бўйича вазифаларни белгилаб олдим. Биласизми, ўз тақдиримда ишлаган, меҳнат қилган элди азиз бўлиши, касбидан кадр топишиға амин бўлдим. Давлат мукофотини шахсан Президентимиз қўлларидан олиш инсонға ўзгача фахр баҳи этаркан.

2022 йил давомида 43 нафар фуқароға жами 1 100 млн. сўм кредит ажратилиб, 86 та иш ўрни яратилди. Хатлов натижасида аниқланган 152 нафар ишсиз фуқаролардан 56 нафар хотин-қизларни, ёшларни ўқув марказларида ўқишларини ташкил қилиб, бугунги кунда йўналиши бўйича бандлигини таъминлашға эришдик. 76 нафарини ҳудуддаги йирик корхоналарға бириктирдик. 20 нафар фуқарони доимий ишға жойлаштирдик. 430 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, 32 та янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилдик. 35 нафар фуқаро «Аёллар дафтари» орқали «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

Баъзан аёлларға қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, фақат уйда ўтирадиган, фарзанд тарбиялаб, овқат пиширадиган ожиза, деб қарайдиганлар учрайди. Қажрамонимиз ўз фаолияти, эришаётган ютуқлари орқали бу хато хулоса эканини исботламоқда. Аёл боши билан ҳам оилани, ҳам давлат ишини бирдек уддаламоқда. Уддалаганда ҳам унча-мунча эркаклар қила олмаётган ташаббуслари билан ҳурмат-эътибор топмоқда.

Раънохон ташаббуси билан «Сурхтепа» маҳалласи биносидаги бўш турган хона таъмирдан чиқарилиб, тикувчилик цехи иш бошлади. Бугун цехда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»даги 30 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Эътиборлиси, цех «NUR FAYZ XHS RUSO» тикув ишлаб чиқариш кооперациясига айлантирилди. Хо-

зирда унга 150 дан ортқ хонадонлар бириктирилиб, 170 нафар хотин-қизнинг касаначилик усулида уйларига ярим тайёр ҳолатда маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Натижада шунча фуқаро ишли ва даромадли бўлмоқда. 2023 йилдаги марралар янада улкан бўлиб, доимий иш ўринлари сонини 300 таға етказиш мақсад қилинган.

Р.Хожиболаева кўмағида 2022 йилда аҳолиға 7 та йўналиш бўйича имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, асаларичилик йўналиши бўйича 100 млн. сўм кредит ажратиш орқали «АРИЧИ» ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил қилинди. Ушбу кооперацияда «она» ари етиштирилиб, қўшни вилоятларға етказиб берилмоқда. Косибчилик йўналиши бўйича очилган 4 та хонадонда 12 та, тикувчилик йўналиши бўйича ташкил этилган 8 та хонадондаги тикув цехларида 45 та ишчи ўрин яратилди. Шунингдек, чорвачилик, паррандачилик йўналиши бўйича фуқаролар бандлиги таъминланди.

Ҳунармандчилик йўналишида 8 нафар фуқаро иш билан банд қилинди. Имтиёзли кредит эвазига 2 та мактабгача таълим ташкилоти, новвойхона, ошхона, сартарошхона,

сут маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат дўконлари ташкил этилиб, 28 та иш ўрни яратилди. Маҳалла учун 1000 туп гул, 200 туп тут кўчатлари ҳамда 15 та хонадондаги эҳтиёжманд оилаларға парранда ва пиширик печи тарқатилди. Барчаси Раънохоннинг ташаббуси ва шахсий маблағлари ҳисобидан амалға оширилди.

2023 йил мақсадлар ҳам улкан. Жумладан, ҳозир 5 та катта лойиҳа устида иш кетмоқда. Яъни «Сурхтепа» маҳалласи Эски Фарғона кўчаси 1-уйда жойлашган собиқ вилоят болалар ногиронлар реабилитация марказининг 1,5 гектар ер майдониға давлат-хусусий шерикчилик асосида сихатгоҳ ҳамда меҳмонхона қуриш режалаштирилган. Бу орқали жами 250 та янги иш ўринлари пайдо бўлади. Давлат-хусусий шерикчилик асосида сувни қадоклаш корхонаси ишға тушиши билан яна 25 та, 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти битиши билан 40 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалла биносини, оилавий поликлиникани қайтадан қуриб, фойдаланишға топшириш, 35 та кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш кўзланмоқда.

Энг муҳими, қажрамонимиз халқнинг дардини ўз дарди, муаммоларини ўз муаммоси деб билади. Бирор мурожаат ёки мурожаатчи эътибордан четда қолмаслиги муваффақиятлари гарови бўлмоқда, дейиш мумкин.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Қуруқсой»да тиббий кўрик ўтказилди




Шаҳрихон туманидаги «Қуруқсой» маҳалла фуқаролар йиғинида 2-сектор ҳудудидаги 19 та маҳалла аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

– Чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказиш, келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ташкил этилган бепул тиббий текширувларда зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди, – дейди маҳалла раиси Жаҳонгир Абдурашулов. – Тиббий кўрик давомида кексалар, ногиронлиги бўлган юртдошларимиз, сурункали хасталик билан оғриётган фуқароларға алоҳида эътибор қаратилди.

Турли хасталиклар аниқланган фуқароларға вилоят, туман тиббий муассасаларига даволаниш учун йўлланмалар, шунингдек, эҳтиёжманд оила вакилларига дори-дармонлар берилди.

Мухбиримиз.



ТИББИЁТ ХОДИМИГА

ТАЖОВУЗ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ОДДИЙ ШИФОКОРНИНГ СОҒЛИФИГА ҲЕЧ БИР САБАБСИЗ ТИКЛАБ БЎЛМАЙДИГАН ЖАРОҲАТ ЕТКАЗГАН ШАХСНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ БЕЗОРИЛИК ДЕБ ТОПИЛМАЙДИ ВА У ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО БИЛАН ҚУТИЛИБ ҚОЛАДИ

Сўнги вақтларда беморнинг ўлими ёки соғлиғи ҳолати ёмонлашишида бирор-бир айби бўлмаса-да, шифокорни айблаш ва унга ноқонуний тажовуз қилиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Масалан, 2019-2022 йилларда 285 тадан ортиқ ҳолатда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклда тажовуз қилинган. Амалдаги қонунчиликда хизмат вазифасини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилганлик, фаолиятга тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган.

Бундай шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли моддалари билан жазога тортилаётган бўлса-да, улар қилмишига яраша жазо олмаяпти. Оқибатда хизмат вазифасини ўтаб турган тиббиёт ходимларининг соғлиғига, ҳаттоки, тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган айбдор шахслар айрим ҳолларда ҳеч қандай жазо ўтамасдан қолиб кетмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида тиббиёт ходимларида «Тажовузлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишдан ҳеч қандай наф йўқ», деган тушунча пайдо бўлишига олиб келмоқда. Кузатувлар бундай ғайриқонуний тажовузга учраган шифокорларнинг бештадан фақат биттасигина тегишли органларга айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат этишаётганини кўрсатмоқда.

Бу ерда эътиборли жиҳати нимада? Уз хизмат вазифасини бажараётган, тегишли жисмоний ва махсус тайёргарликдан ўтган ва ёнида ўқотар қуроли ҳам бўлган ички ишлар ходимига муштумзўрлик қилган қонунбузарнинг ҳаракатлари безорилик деб баҳоланади ва айбдор суд ҳукми билан жазо ўташ учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилади. Лекин худди шундай халққа хизмат қилаётган оддий шифокорнинг соғлиғига ҳеч бир сабабсиз тиклаб бўлмайдиган жароҳат етказган шахснинг ҳаракатлари безорилик деб топилмайди ва у енгилроқ жазони кўзда тутувчи Жиноят кодекси тегишли моддаси билан судланади ҳамда жазодан қутилиб қолади. Демак, жавобгарликни кучайтириш лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш белгиланмоқда.

Шифокорлар кутган қонун...

Жорий йилнинг 2-3 март кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқланган «Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун айни йўналишдаги муҳим ўзгаришларга асос бўлади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда. Бунда ушбу ноқонуний фаолиятни амалга оширган фуқароларга БХМнинг беш бараваридан етти бараваригача (1,5 миллион сўмдан 2,1 миллион сўмгача), мансабдор шахсларга етти бараваридан ўн бараваригача (2,1 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача) миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш белгиланмоқда. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 305-моддасига мувофиқ, мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати уч суткани ташкил этиши қайд этилмоқда.

Айтиш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олади. Шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишига хизмат қилади.

Педагог ходимнинг меҳнатга маъмурий тарзда қайта мажбурлаганлик учун 45 миллион сўмдан 60 миллион сўмгача жарима белгиланмоқда.

Ўқитувчи мажбурий меҳнатга жалб қилинса...

Тиббиёт ходимлари билан бирга, яна бир тоифа вакиллари ҳам борки, уларнинг иш фаолиятига ҳам доимий равишда аралашилар, тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб туради. Бу — педагоглардир. Қайд этиш керакки, педагогларни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари давом этаётгани, улар худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал этиш учун тузилган кўплаб ишчи гуруҳлар таркибига асоссиз киритилаётгани, бу касб эгаларидан турли ҳисобот ва маълумотлар талаб этилаётгани бор гап.

Сенаторлар кўриб чиққан ва тасдиқлаган «Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун билан юқорида қайд этилган муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган.

Хуллас, вазият ўзгармас, қатъий ва кескин жавобгарлик чоралари белгиланмас экан, юқоридаги каби ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар, шарафли ва масъулиятли касб эгаларининг жабрланиши давом этаверади. Енгил жазо ҳуқуқбузарларни кўрқита олмаяпти. Ҳуқуқий давлатда эса ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррар бўлиши даркор. Демак, Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ҳар икки соҳа вакиллари қийнаётган оғриқли масалага ечим бўла олади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

КАТТА ОҚТОВЛИКЛАРНИНГ ТОМОРҚАДАН ДАРОМАДИ КАТТА БЎЛЯПТИ

**НОРИН ТУМАНИДАГИ 2079 НАФАР АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ
«КАТТА ОҚТОВЛИК» МАҲАЛЛАСИДА 428 ТА ХОНАДОН БЎЛИБ,
УЛАРНИНГ 212 ТАСИДА ИССИҚХОНАЛАР ҚУРИЛГАН, 16 ТАСИГА
СУБСИДИЯ, 21 ТАСИГА КРЕДИТ ОЛИШГА КЎМАКЛАШИЛГАН**

Томорқа — хазина. Шу боис соҳани янада ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш, «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида томорқа эгаларини маълум бир қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга ўргатиш, паррандачилик, чорвачилик ва боғдорчиликда юқори самарадорликка эришиш учун барча зарурий чоралар кўрилмақда. Бугун Наманган вилоятидаги маҳаллаларда берилган имкониятдан самарали фойдаланаётган йиғинлар сони ортиб бормоқда.

Норин туманидаги 2 079 нафар аҳоли истиқомат қилувчи «Катта оқтовлик» маҳалласида 428 та хонадон бўлиб, уларнинг 212 тасида иссиқхоналар қурилган, 16 тасига субсидия, 21 тасига кредит олишга кўмаклашилган. Шунингдек, сарф-харажатни камайтириш мақсадида 59 нафар фуқаро маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, нисбатан арзон иссиқхонага эга бўлди.

Аҳоли, асосан, кўчатчилик билан шуғулланиб, помидор, бодринг, булғор қалампери, карам ва бошқа экинлар кўчатлари, гуллар етиштириб беради. Норин туманига зурур бўлган гулларнинг 30 фоизи айнан шу маҳалла ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, тарвуз, қовун кўчатлари иссиқхоналарда парваришланади. Кўчатлар нафақат туманга, балки Андижон ва Наманган вилоятининг кўшни худудларига ҳам сотилади.

Маҳалла аҳолисининг томорқадан унумли фойдаланиб, юқори натижага эришишида раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспекторининг ҳиссаси катта. Улар ўзаро ҳамкорликда хонадонларда ўрганишлар олиб бориб, кимга қандай ёрдам керак бўлса, жойида ҳал этишмоқда.

Жалолиддин Каримовнинг хонадонидида 12 сотих иссиқхона бор. Гул, булғор ва помидор кўчатларини етиштиради. 2022 йилда 150 миллион сўм даромад қилди. Муроджон Холбоев хонадонидидаги тўрт сотих майдонда иссиқхона ташкил қилган. Эътиборимизни тортган жиҳати, иссиқхоналар маҳаллий ёғочдан қурилган. Маҳалла раиси Шермамаат Ёрқуловнинг айтишича, бундай шаклдаги иссиқхоналар ҳамёнбоп.

— Дейлик, уч сотих майдонда иссиқхона барпо этиш учун темир маҳсулотига 7-8 миллион сўм маблағ кетса, ёғочдан қурилган иссиқхонага узоғи билан 2 миллион сўм сарфлаш мумкин, — дейди маҳалла раиси. — Бу эса маҳалламиздаги кўплаб оилаларда иссиқхоналар қуришга катта имконият яратмоқда. Деҳқонларимизнинг иссиқхонасида айни пайтда помидор, булғор қалампери кўчатлари етиштирилмоқда. Иссиқхонадан бир йилда уч бора ҳосил олиш имкони бор. Кўчатлар апрель ойи бошларига тайёр бўлади. Ундан кейин помидор ва бодринг етиштирилади.

Шу маҳаллада яшовчи Шо-

киржон Мирзааҳмедов икки сотих майдондаги иссиқхонасида айни пайтда помидор, булғор қалампери ва қалампир кўчатлари етиштирмоқда. Кўчатлар етилиши билан маккажўхори, учинчи ҳосилга исмалоқ эмкоқчи. Маккажўхори чорва учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Оиланинг даромади фақат иссиқхонадан эмас. Унта қорамол, 20 та кўй йилдан йилга кўпайиб, рўзғор камига ярамоқда. Биргина иссиқхонанинг ўзидан 30 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибди. Ўтган йили асалари боқишни йўлга қўйган эди, бугунга келиб уларнинг оиласи 6 тага кўпайди. Шокиржон ака «Бердиқулов ота» фермер хўжалигида сувчи бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Гулчехра опа ва фарзандлари унга барча ишларида кўмақдош.

Қосимжон Собиров бир неча йиллардан буён Россияга бориб, қурилишда ишлаб келар эди. Маҳалла раисининг таклифига биноан, қишлоғига қайтиб, иссиқхона фаолияти билан астойдил шуғуллана бошлади. Маҳалладошларидан иссиқхонада маҳсулот етиштириш агротехникасини обдон ўрганди. Ховлисидаги етилиб турган теракларни иссиқхона учун ишлатди. Дастлабки йил уч сотихда иссиқхона қурган бўлса, бугун уни олти сотихга етказган. Бу ерда помидор, баклажон, булғор қалампери етиштиряпти. Ўтган деҳқончилик йилида тадбиркор

уч сотих иссиқхонадан 40 миллион сўм даромад кўрган бўлса, жорий йилда олти сотих ердан 80 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибди.

Айни пайтда «Катта оқтовлик» маҳалласидаги хонадонларда баҳорги юмушлар авжида. Дарахтлар оқланиб, кўчалар обдонлаштирилмоқда. Энг муҳими, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш натижасида кўшимча иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Бир кунда 1000 туп кўчат экилди



Кўчат экиб, боғ барпо этиш, атроф-муҳитни тоза-озода сақлаш халқимизнинг асрлар синовидан ўтган миллий қадриятларидир. Бугун ана шу эзгу анъана давом этиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Яшил макон» умуммиллий ҳаракатига айланди.

Айни йўналишдаги ташаббуслар Фарғона вилояти маҳаллаларида, жумладан, Учкўприк туманидаги «Боғи-бўстон» маҳалласида ҳам кенг кулоч ёзган.

— Айни кунларда лойиҳа доирасида дарахт экиш бўйича «Долзарб 40 кунлик»нинг баҳорги мавсуми бошланди, — дейди маҳалла раиси Эркинжон Меҳмонов. — Шу муносабат билан маҳалламизда кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда сектор раҳбарлари, тумандаги фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари иштирок этди. Шу

қуни семинар доирасида «Кўқон» эркин иқтисодий зонасида тупташ ҳудудда 300 туп мевали, 700 туп манзарали дарахт кўчатлари экилиб, мўъжаз боғ ташкил этилди.

Таъкидлаш жоиз, тупроққа қадалаётган ҳар туп ниҳолнинг нафақат экилиши, балки ушбу кўчатларнинг ўз вақтида суғорилиб, беталофот кўкариши ҳам қатъий назоратга олинди. Бу каби кўргазмали семинарлар ва кўчат экиш акциялари туманининг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилмоқда.

Мухбиримиз.

Бухоро вилояти Шофиркон тумани марказидан 10 километр узоқликда, Навбахор ва Катта Маҳалла қишлоқларини ўз ичига олган «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинида бугунга келиб 2 минг 700 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Худудда яшаётган жами 500 дан ортиқ хонадон тасарруфидаги томорқа ерини олсак, 84 гектарни ташкил этади.

ИССИҚХОНА РЎЗҒОРГА БАРАКА КИРИТЯПТИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК, МИРИШКОРЛИК ҲАДИСИНИ ОЛГАН НАВБАҲОРЛИКЛАР БИР ҚАРИЧ ЕРНИ БЎШ ҚОЛДИРМАЙДИ. ШУ БОИС ХУДУДДА МЕҲНАТИ ОРТИДАН БАРАКА ТОПАЁТГАН, РЎЗҒОРИНИ БУТЛАЁТГАН, ТЎЙЛАР ҚИЛИБ, УЙЛАР ҚУРАЁТГАНЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Айтиш керакки, 30 дан ортиқ оилада 1 сотихдан 30 сотихгача иссиқхона хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, юзга яқин хонадонда қорамолчилик ривожлантирилиб, уларда соғин сигир парваришlash ҳисобига қишлоқдошлар рўзғори кундалик зарур сут-қатик билан таъминланмоқда. Шунингдек, 20 тага яқин хонадон асаларичилик билан шуғулланыпти. Паррандачиликка иштиёқманд яна элликдан ошиқ тураржойда 100 бошгача товуқ, курка парваришланади. Яна 3 та хўжалик тажриба-синов тариқасида сунъий ҳовуз тайёрлаб, икки йилдирки, балиқчилик фаолиятини йўлга қўйган. Мухими, худуд одамлари бор имкониятдан унумли фойдаланиб, баҳоли-қудрат даромад топишга, оилалари эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

— *Томорқачилик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар қарич экин еридан самарали фойдаланиш мақсад қилинган, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдмачиси Миржалол Қўндиев. — Жумладан, 2022 йилда ишсиз ва кам таъминланган, ночор аҳволдаги оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан 18 нафарига 8 гектардан ошиқ ер майдони 10 сотихдан 50 сотихгача қонуний тартибда, аукцион савдоси орқали расмийлаштириб берилди. Бу ерда қишлоқдошларимиз, асосан, картошка, пиез, сабзи, помидор, карам, лавлаги, шолғом, саримсоқпиез каби сабзавот-полз маҳсулотларини етиштириб, рўзғор кам-кўстини қопламоқда. Эътиборлиси, жорий йилда бу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, январь-февраль ойларида худудда фаолият юритаётган «Жилвон жилоси» ҳамда «Беҳруз-Т» фермер хўжаликлари ҳисобидан ажратилган 8 гектар ер майдони алоҳида тоифаланган оилалардан 13 тасига 20 сотихдан 50 сотихгача, аукцион савдоси орқали ажратиб берилди.*

Асосийси, шу кунга қадар иш қидириб, даромад топиш илинжида бўлган Аслжон Аҳмадов, Дилшод Ҳақимов, Беҳзод Бақоев, Дилором Эшонқулова, Ҳилола Ширинова, Карим Йўлдошев, Мухриддин Наимов, Амиршоҳ Аҳмадов сингари фуқаролар қишлоқ жойида ишлаб, фойда кўриш учун ўз экин ерларига эга бўлдилар. Шу кунларда бу ерда эртанги картошка, пиез, сабзи каби сабзавот маҳсулотлари экиш ишлари бошланган.

Намунали томорқачилардан худудда Мирҳожиддин Шарипов ҳамда Ибодулло Шириновлар ҳар бири 5-7 сотихли ерида шу кунларда

сабзавотлар — картошка, сабзи ва кўкатлар экиб, парваришини бошлаган бўлса, асаларичилик билан ҳам шуғулланиб келаётган Шириновлар оиласида 50 дан ортиқ асалари оиласидан ўтган йилди 60 миллион сўм атрофида даромад қилинди. Яна бир миришкор деҳқон Санокул Остонов томорқа ерининг бир қисмида 2 сотихли иссиқхона қуриб фойдаланиб келмоқда.

— *Томорқа ва иссиқхоналар рўзғоримизга барака киритмоқда, — дейди Санокул Остонов. — Шу кунларда меҳнатларимиз эвазига етилиб тайёр бўлган сабзи, исмалоқ ва саримсоқпиезни саранжомлаш арафасидамиз. Қолаверса, ўз эҳтиёжимиз учун, жумладан, иссиқхонада етиштирилаётган сабзавотлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида деярли бир сотих жойда биогеомус — тупроқ дармон-дорисини тайёрлашни йўлга қўйдик. Бугунга келиб, бу фойдали усулдан томорқачиликка меҳри бўлган кўни-кўшиларимиз ҳам баҳраманд бўлишмоқда.*

Бундан ташқари, «Яшил макон» умуммиллий ҳаракати доирасида шу кунларда маҳаллада қизғин иш бошланган. Масалан, тадбиркор-фермер Афзал Қўшшаев раҳбарлик қилаётган «Жилвон жилоси» ҳамда «Афзал полимер» МЧЖ томонидан 2 гектар ерда ниҳолчилик фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда қарағай, садақай-рағоч, акация, гужум, тол, терак каби манзарали, ўрик, олма, гилос, шафтоли каби сара навли мевали дарахт кўчатлари етиштириляпти. Айни шу кунларда бу хўжалик жамоаси томонидан маҳалладаги томорқачилар, фермер хўжаликлари далаларига 50 минг тупдан зиёд икки-уч йиллик кўчат етказиб берилмоқда. «Навбахор»да баҳор фаслининг дастлабки ҳафтасида 6 мингдан зиёд худди шундай манзарали ва мевали кўчат ўтказиш ишлари адо этилган. Бу дегани, миришкорлар қўли билан кўча ва хонадонлар янада обод ва кўкаламзор худудга айлантирилмоқда.

Умуман олганда, деҳқончилик, миришкорлик ҳадисини олган навбахорликлар бир қарич ерни бўш қолдирмайди. Шу боис худудда меҳнати ортидан барака топаётган, рўзғорини бутлаётган, тўйлар қилиб, уйлар қураётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Барчасининг замирида бир ҳақиқат ётади: инсон сидқидилдан меҳнат қилса, астойдил ниманидир истаса, албатта, муродига етади. Буни бугун ҳар бир навбахорлик аҳоли хис қилмоқда.

Санжар ИБРОҲИМОВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Олис овул одамлари мурожаати тингланди



Қашқадарё вилоятининг Косон туманида Адлия вазирлиги масъуллари, сектор раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ташкил этилди. «Нартичуқур» маҳалласида ўтказилган қабулда 150 нафарга яқин фуқаронинг мурожаатлари тингланди.

Косон тумани — худуди жиҳатидан вилоятнинг энг катта туманларидан бири. Бу ерда 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. 75 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, қабулда туманнинг олис худудларида жойлашган маҳалла фуқаролари ўз мурожаатлари билан иштирок этди.

Мулоқот давомида фуқароларнинг меҳнат муносабатлари, бандлик, йўл қурилиши, давлат хизматларидан фойдаланиш, мулк ҳуқуқларга оид бир қатор масалалари масъуллар томонидан кўриб чиқилди. Унда 34 нафарга яқин фуқаронинг мурожаати жойида ҳал этилиб, 11 та мурожаат иш юритувига олинди. Давлат хиз-

матлари маркази томонидан 65 та хизмат кўрсатилган бўлса, ФХДЁ бўлими томонидан 12 та мурожаат жойида ҳал этилди. 4 нафар фуқарога ID карталари топширилди. 2 нафар фуқарога даволаниши учун ордер бериладиган бўлди. 5 нафар фуқарога тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиши учун замонавий 5 дона чарх мосламаси топширилди.

Бундан ташқари, вилоят тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими томонидан 2 нафар фуқарога электрон ногиронлик аравачаси, 5 нафар фуқарога овозли танометрлар топширилди.

**«АЁЛЛАР
ДАФТАРИ»ГА
24 НАФАР АЁЛ
КИРИТИЛГАН
БЎЛСА, 12 НАФАРИ
ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
ҲИСОБИГА ТИКУВ
МАШИНАСИ СОТИБ
ОЛИБ, ЎЗИНИ ЎЗИ
БАНД ҚИЛДИ.
ҚОЛГАН 12 НАФАРИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
ВА ХУСУСИЙ
ФИРМАГА ИШГА
ЖОЙЛАШДИ**



КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНГАНЛАР СИРА КАМ БЎЛМАЯПТИ

«Аёллар дафтари» ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим, касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар манбаи бўлиб, мазкур вақтинчалик тартиб орқали хотин-қизлар муаммолари тизимли равишда ҳал этилиб, ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, бу ташаббус маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, ишсизликнинг олдини олишда қўл келмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

206 маҳаллага китоблар ажратилди



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Ҳар бир маҳаллага китоб» лойиҳаси ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида фонд томонидан Жиззах вилоятидаги 206 та маҳалла фуқаролар йиғинларига 50 номдаги 10 мингдан ортиқ нодир китоблар тўплами ажратилди. Ушбу китоблар карвони Жиззах вилоятига етиб келди. Ҳозирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бошқаруви томонидан етиб келган китобларни маҳаллаларга топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

– Маҳаллаларга топширилган китоблар ҳар бир маҳалланинг мўъжазгина кутубхонасидан ўрин олади, ундан аҳоли

кенг фойдаланади. Зеро, бу адабиётлар бугун халқнинг маънавияти юксалиши учун энг зарур манбадир, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бошқаруви раиси Абдумажид Саттаров. – Вилоятдаги маҳаллаларга етказилган китоблар тўплами, ҳар бир маҳаллада ўз кутубхонасини ташкил қилиш, аҳолини китобга бўлган қизиқишини орттириш, маҳалла аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва маънавий хазинасини янада бойитишга хизмат қилади.

Саодат ФАЙЗУЛЛАЕВА.

чилик тармоғи ташкил қилишга киришди. Бу бир вақтнинг ўзида 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Албатта, мақсадига етиши учун биз ҳам барча ёрдамларни бераямиз.

Маҳалламизда томорқачилик, тикувчилик йўналишларини ривожлантиришга бўлган эътибор сабабли ишсизлар сони камайиб бормоқда. Мисолларга эътибор қаратсак, томорқада иссиқхона қурганлар 25 нафарни ташкил этади. Улар нафақат ўзлари, балки оила аъзоларини ҳам иш билан банд қилмоқда, ўртача 15 миллион даромад олишяпти. Мисол учун, Мамарозиқ Абдувалиев 3 сотихлик, Абдуҳафиз Ҳомидов 5 сотихлик иссиқхонада лимон етиштириб, 25 миллион сўмдан даромад топяпти.

Ўтган йилнинг ўзида «Аёллар дафтари»га 24 нафар аёл киритилган бўлса, уларнинг 12 нафари имтиёзли кредит ҳисобига тикув машинаси сотиб олиб, ўзини ўзи банд қилди. Қолган 12 нафарини фермер хўжалиги ва хусусий фирмага ишга жойладик. Масалан, ишсиз тоифасида «Аёллар дафтари»га киритилган Зарифа Тошқўзиева хонадони қисқа фурсатда мўъжаз ишлаб чиқариш тармоғига айланди. Бу ерда ўнга яқин бичиш, тикиш дастгоҳлари бир маромда ишлаб турибди. Тириқотаж маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда, 3 нафар маҳалладошини иш билан банд қилган.

Дастлаб ишсизликдан қийналган, бугун эса маҳалладошларини ишли қилган яна бир вақилимиз Моҳира Йўлдошевадир. У ҳам хонадонидан аёллар кийим-кечаклари тикишни йўлга қўйган. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган маҳсулотнинг бозори чаққон. Даромад шунга яраша бўлмоқда. Ишлаб топилган сармоянинг бир қисми фаолиятни ривожлантириш, қўшимча

дастгоҳлар харид қилишга сарфланмоқда. Бугунги кунда оилавий корхонада 10 нафар маҳалла аёллари ишли бўлган.

Тадбиркорлик, томорқачиликдан ташқари, маҳалламизнинг «ўсиш нуқтаси» – нон ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ҳозирда 25 тага яқин хонадонда шу йўналишда иш ташкил қилиниб, ҳар бирида 4 тадан иш ўрни яратилди. Умумий ҳисобда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 100 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

Маҳалламизда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берамиз. Масалан, 2022 йилда уй-жойи таъмирга муҳтож, 1-гурух ногиронлиги бўлган 8 нафар аёлга манзилли ёрдам кўрсатилди. Улардан бири Халимаҳон Тошматова бўлиб, хонадони тўлиқ таъмирлаб берилди.

Республика даражасидаги эътибор туфайли маҳалламиз инфратузилмаси яхшиланиб бормоқда. Умумий ҳисобда 800 метр кўчаларимизда пиёдалар йўлаги қурилди, 1 та сув қудуқ таъмирланди. 3 та кўчамиз асфальтлашга тайёрланяпти. Агар ишлар яқунланса, Барҳаёт, Замондош, Ўзбек кўчамизнинг кўринишга келади. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида маҳалла биносини таъмирлашни режалашганимиз.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда аҳоли муаммоларини бартараф этиш, инсон қадрини улуглашга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар қандай масалани ижобий ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Сайфиддин
АБДУРАИМОВ,
Бувайда туманидаги
«Қоратеп» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

**ОДДИЙ
ОДАМЛАР
КЎЗИДАН
ШУНИ БИЛИШ
МУМКИНКИ,
УЛАР ҲАЁТДАН
МАМНУН.
УЛАРГА ЯРАТИБ
БЕРИЛАЁТГАН
ИМКОНИАТЛАР
ҲАЁТДА ЎЗ
ЎРИНЛАРИНИ
ТОПИШИГА
ЗАМИН
ЯРАТМОҚДА**



«ИПАКЧИ»ДА ТАШАББУСЛАР Қўллаб-қувватланяпти

Бугунги кунда маҳаллаларни обод қилиш билан бирга, ишсиз, даромад манбаига эга бўлмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аҳоли вакилларига қатор имкониятлар яратилиб, одамларнинг муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Худудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шовот туманидаги «Ипакчи» маҳалла фуқаролар йиғинида 705 та хонадонда жами 4 212 нафар аҳоли истиқомат қилади. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган 69 нафар фуқарога ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун 1 646,4 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Касб-хунар ўрганиш истагида бўлган ёшлар ўз қизиқишлари бўйича ўқув марказларида бепул ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Бу орқали йиғинда тикувчилик цехлари, қандолатчилик дўконлари, новвойхона, иссиқхона, сартарошхона, гўзаллик салонлари ва турли хизмат кўрсатиш объектлари фаолият йўлга қўйилди.

Мутахассислиги бўйича иш тополмай юрган 185 нафар фуқаронинг 27 нафари тумандаги турли соҳага ихтисослашган ташкилотларга, 2 нафари Ободонлаштириш бошқармасига, 10 нафари мактаб ва лицейларга, 6 нафари мактабгача таълим ташкилотларига, 6 нафари туман тиббиёт бошқармасига, қолган 134 нафари ўз соҳалари бўйича турли юридик ташкилотларга

ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди. Ишсиз, мутахассислиги бўлмаган 113 нафар фуқаро турли ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирилди ва оиласи даромади ўсишига кўмаклашилди.

— Йиғинда 42 та яқка тартибдаги тадбиркор ва 10 та турли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Дилшод Абдуллаев. — Уларнинг маҳалламизда иш бошлаши орқали ишсиз, моддий кўмакка муҳтож 62 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди. Касб-хунар ва тадбиркорлик фаолиятини ўргатишга мослаштирилган «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби» ўқув марказида 12 нафар йигит-қиз ўқитилди. «Ёшлар дафтари»даги 5 нафар ёшга томорқачилик билан шуғулланишлари учун 30 йил муддатга 5,6 гектар ер майдонлари ижарага берилди. Бу орқали улар оиласи даромадида кўшимча даромад киритмоқда.

Айтиш керакки, йиғинда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларга кредитлар ажратилиб, ташаббуслари қўллаб-қув-

ватланмоқда. Жумладан, 12 та оилага паррандачилик бўйича 225,6 миллион сўм, асаларичилик билан шуғулланиш бўлган фуқароларга 33 миллион сўмдан, чорвачилик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 3 та оилага 46,5 миллион сўм, пластик дераза ва ромларни ишлаб чиқармоқчи бўлган 1 нафар фуқарога 224 миллион сўм, мебелчилик соҳасида 30 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Бу орқали улар кичик бўлса-да, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, нафақат ўзининг, балки кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож фуқароларнинг ҳам бандлигини таъминлашига кўмаклашмоқда.

— Анча йиллардан буён ишсиз эдим, бекорчиликдан нима қилишимни билмасдим, — дейди Обод кўчасида яшовчи Ирода Нажимова. — Маҳалла кўмаги билан тикувчилик йўналишида ўқиб, унинг сирасорларини мукамал ўргандим. Ўқишни тамомлагач, 32 миллион сўм имтиёзли кредит асосида 4 донна тикув машиналарини олиб, ўз уйимда тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдим. Ҳозирда тикувчиликка ўқуви бўлган икки нафар қиз-

ларни иш билан таъминладим. Бу орқали оилам даромадида кўшимча кунлик 100-200 минг сўм атропофидо даромад киритяпман. Келажакда фаолиятимни кенгайтириб, ўзимга ўхшаган хотин-қизларни иш билан таъминламоқчиман.

Маҳаллада «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилганларнинг 13 нафарига ўзини ўзи банд қилиши, фаолиятини бошлаш учун турли асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари харидига 91,4 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари олишига кўмаклашилди. Уларнинг 1 нафарига 70,1 миллион сўмлик жиҳозлар етказиб берилиб, бандлиги таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада биронта бўш юрган одамни кўрмайсиз. Ёшу қари бирдек меҳнат қилиб, оиласи фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қисқаси, оддий одамлар кўзидан шуни билиш мумкинки, улар ҳаётдан мамнун. Уларга яратиб берилган имкониятлар ҳаётда ўз ўринларини топишига замин яратмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Тарих билан ҳамнафас маскан



Урганч туманининг Ғойбу қишлоғида 1650-1690 йиллар оралиғида қурилган «Улли ҳовли» туристик маркази 2017-2018 йилларда реставрация қилиниб, бу ерда хунармандчилик маркази, ресторан, 15 ўринли меҳмонхона, музей, кинозал, фотогалерея, машҳур Ахалтака зотли отлар, нортюлар боқиладиган махсус жойлар ташкил этилганди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Жўрабек Рахимов мазкур мажмуада бўлиб, ушбу тарихий масканга хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм экспортини ошириш борасида амалга ошириляётган ишлар билан танишди.

— Ушбу маскан кўп йиллик тарихга эга, — дейди туристик марказ раҳбари Давлатназар Ражабов. — Бундай тарихий масканларни авайлаб-асрашимиз, келажак авлодларга иложи борича асл ҳолида қолдириши-

миз керак. Ушбу тарихий мажмуага сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, бунинг учун янги хизмат турларини ташкил қилиш ва дунё миқёсида тарғиботи кучайтириш лозим.

Вилоят раҳбари мажмуага ёндош ҳудудда барпо этилган «Ўзбек-Туркман дўстлик уйи»да ҳам бўлди. У ерда ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг теран тарихий илдизларини акс эттирувчи музей, икки мингдан ортқ китоб фондига эга кутубхона фаолияти билан танишди.

ЭЪТИРОФ ОРТИДА САМАРАЛИ МЕҲНАТ БОР

«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ЛОЙИҲАСИДА 1,5 КМ. ЙЎЛНИ БЕТОН ЙЎЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА 960 МЛН. СЎМ МАБЛАҒ ЮТИБ ОЛИНДИ. МАҲАЛЛА МАРКАЗИДА 150 ФРИНЛИ ИККИ ҚАВАТЛИ ЗАМОНАВИЙ ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИНОСИ ҚАД КЎТАРДИ



Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари институти жорий этилгач, «маҳаллабай» тизими асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини таъминлаш маҳалла даражасида амалга оширила бошланди. Бугун бу ташаббуснинг натижалари деярли барча ҳудудларда ўз аксини топмоқда.

Ўтган вақт мобайнида зиммасига юклатилган вазифани сийқидилдан бажариб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлаётганлар орасида Андижон вилояти Избоскан туманидаги Абдурахмон Жомий номли маҳаллада фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Мирзоулуғбек Қодировнинг фаолияти эътирофга муносибдир.

— Зиммамизга юкланган юмушларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун маҳалла ҳудуди, хусусан, оилалардаги аҳволи чуқур билмасдан туриб, кўзланган натижага эришиш мушкул, — дейди ҳоким ёрдамчиси М.Қодиров. — Маҳалламиздаги 443 та хонадонда 764 та оила мавжуд бўлса, уларда жами 2 417 нафар аҳоли истиқомат қилади. Лавозимга тайинланганимда ишни маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишишдан бошладим. Маҳалладаги «бешлик» ўзаро ҳамкорликда ҳудудда яшовчи хонадонларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, фуқароларнинг оилавий шароити, муаммолари, хоҳиш-истаклари, келажак режалари билан танишдик.

Хатлов давомида хонадонлар 4 тоифа ажратиб олинди. 142 нафар ишсиз фуқародан 35 нафари ишлаш истаги борлигини билдирди. Йил давомида уларнинг 84 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида

рўйхатга олинди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича 6 та хонадон томорқасида жами 8 сотих иссиқхона, 7 та хонадонга 425 дона парранда, 4 та хонадонга 67 дона асалари уяси, тикувчилик йўналиши бўйича 2 нафар фуқарога тикув машиналари, 23 нафар фуқарога ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун 5 млн. сўмдан нақд пул шаклида, жами 42 та хонадонга 346,325 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. 2022 йилда иш излаётган 7 нафар фуқаро туман ташкилотларидаги бўш иш ўринларига доимий, 27 нафари мавсумий ишларга жойлаштирилди. Нормасий равишда фаолият юритаётган 2 нафар тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорлар сафига киритилди.

Шунингдек, субсидия асосида маҳалладаги 6 нафар фуқаронинг шахсий томорқасида 1 сотихдан енгил конструкцияли 6 та иссиқхона қурилди, 3 нафарига тикув машинаси олиб берилди, 3 нафарига хунарманд уюшмасига азалик бадаллари тўланди. Жами 12 нафар фуқарога 64.8 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилишига кўмаклашилди.

Дорбоз кўчаси, 19-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ёдгорбек Носировга 15 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисо-

бидан хонадонидан 2 сотихли иссиқхона қуриб битказилди. Йил давомида ўртача 5,5-6 млн. сўм қўшимча даромад қилди. Зиёратгоҳ кўчаси 82-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Отабек Очиловга 5 млн. сўм кредит маблағи ажратилиб, 52 бош товуқ етказилди. Ҳозирда ойда 1-1,1 млн. сўм қўшимча даромад қиялпти. Шу кўчанинг 23-уйида истиқомат қилувчи Ўғилбой Абдуразоқовага 15 миллион сўм кредит эвазига 20 та уйда асалари оиласи етказиб берилди. Бунинг натижасида оила 10-12 млн. сўм қўшимча даромадга эга бўлди.

2022 йилда «Аёллар дафтари»га 60 нафар хотин-қизлар рўйхатга олинган бўлиб, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 5 нафар аёлга 5 млн. сўмдан нақд пул шаклидаги имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шундан 3 нафари «ALSAEDA» ўқув марказида, 2 нафари эса «Бизнес ва тадбиркорлик олий маҳалласи»да тадбиркорликка ўқитилди. Тикувчилик билан шуғулланувчи бир нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Уч нафари субсидия асосида 1 сотихли иссиқхонага эга бўлди. «Электрон-онлайн аукцион» орқали 13 нафар аёлга ижарага 10-15 сотихдан ер участкалари ажратилди. 8

“

Субсидия асосида маҳалладаги 6 нафар фуқаронинг шахсий томорқасида 1 сотихдан енгил конструкцияли 6 та иссиқхона қурилди, 3 нафарига тикув машинаси олиб берилди, 3 нафарига хунарманд уюшмасига азалик бадаллари тўланди. Жами 12 нафар фуқарога 64.8 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилишига кўмаклашилди.

нафарига ғалладан бўшаган майдонлардан такрорий экин учун 10 сотихдан ер берилди.

«Ёшлар дафтари»даги 36 нафар ёшлардан 6 нафарига тадбиркорлик қилиш учун 91 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Икки нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилишига кўмаклашилди. «Темир дафтар»га рўйхатга олинган икки нафар фуқаронинг оила аъзоларига тикув машинаси олиб берилди. Мисол учун, Зиёратгоҳ кўчаси 101-уйда яшовчи тикувчи аёл Муҳаббатхон Қўлдошовага 5 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби»да тадбиркорликка ўқитилди. Ҳозирда ушбу фуқаро хонадонидан тикувчилик билан шуғулланиб келяпти. Бир ойда ўртача 2,1 млн. сўм даромад қиялпти.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасига Дорбоз кўчасининг 1,5 км. қисмини бетон йўл қилиш ташаббуси киритилиб, 960 млн. сўм маблағ ютиб олинди. Маҳалла марказида Давлат бюджетни маблағи асосида 150 ўринли 2 қаватли замонавий янги мактабгача таълим муассасаси биноси қад кўтарди.

ИШСИЗ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚЧИ БЎЛГАН ОДАМЛАРГА МАҲАЛЛА РАИСИ ВА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ «ЛАББАЙ» ДЕЯ ҚЎЛИДАН КЕЛГАНЧА КЎМАК БЕРИБ, ҲАЁТДА ЎЗ ЙЎЛИНИ ТОПИБ КЕТИШИГА КЎМАКЛАШМОҚДА

«ДАРХОН» ДАСТУР ТУФАЙЛИ ОБОД ҚЎРҒОНГА АЙЛАНДИ

Бугун қайси маҳаллага кирманг, аввалги манзарасидан буткул ўзгариб, кўркамлашиб борапти. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қилинаётган ишлар натижасида ҳудудларнинг инфратузилмаси яхшиланиб, маҳалла кўчалари ўзгача қиёфа касб этиб борапти. Жумладан, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Дархон» маҳалла фуқаролар йиғинида дастурлар доирасида бир қанча ишлар амалга оширилиб, одамларнинг яшаш шароити яхшиланаётир.

Айтиш керакки, йиғинда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари чин маънода маҳалла кўчаларига ўзгача файз олиб кирди. Аҳоли анча йиллардан буён ҳудудда болалар майдончаси йўқлигидан қийналарди. Энди бўлса, йиғинда яшовчи оилаларнинг фарзандлари бемалол замонавий болалар майдончасидан фойдаланадиган бўлди. Чунки ўтган йили Давлат дастури асосида ҳудудда 3 та болалар майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди. Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳар бир болалар майдончалари ёнидан болалар спорт майдончалари қурилиб, одамлар ҳордиқ чиқаришлари учун соябонлар ва ўриндиқлар ўрнатилди.

Бешоғайнилар, Қиётобод, Қиёт, Қоҳисим ва Юқори дархон кўчаларининг 4,20 минг кв. метр қисмига дастур доирасида асфальт ётқизирилиб, ҳар томони ўйдим-чуқур бўлиб қолган йўллар равон бўлди. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида «Яшил макон» дастури доирасида маҳалла кўчаларига 150 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Энди бу дарахтлар сархил ҳосил бериш баробарида маҳалла кўчаларига кўрк қўшиб, атмосфера ҳавоси яхшиланишига хизмат қилади.

— Маҳалламиздаги бунёдкорликлар одамларнинг фаровон ҳаёт кечирishiга замин яратмоқда, — дейди маҳалла раиси Саттор Йўлдошев. — Йиғинда болалар майдончаси қурилгани айни муддао бўлди. Чунки фарзандларимиз ўйнаши, спорт билан шуғулланиши учун шундай маскан йўқ эди. Энди улар бемалол спорт билан шуғулланади, бекор вақтлари маданий ҳордиқ чиқаради. Одамларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга ечим топиб, муаммоларини бартараф қилсак, шундагина одамларнинг бизга билдирган ишончларини оқлаган бўламиз.

Дарҳақиқат, йиғинда электр таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида эскирган электр симлари ўрнига янги электр

кабеллари тортилди. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи «Салор» анҳорини дам олиш масканига айлантириш мақсадида маҳалла раиси ташаббуси билан анҳор атрофи ободонлаштирилди. «Туман нур» ташкилоти томонидан анҳор ёқаларига 10 дона бетон устун ўрнатилиб, тунги ёритиш чироклари билан жиҳозланди. Шунингдек, депутат Шомансур Сайдуллаев ташаббуси билан Оққўрғон кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳовлиларининг четлари бетонлаштирилиб, темир тўсиқлар ўрнатилди. Маҳалла кўчаларининг кўркига кўрк қўшилди.

— «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларнинг муаммолари ўрганилиб, ижобий натижаларга эришиляпти, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Алишер Боймуҳаммедов. — Жумладан, моддий кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига контракт пуллари тўлаб берилди. Ногиронлиги бўлган фуқароларга даволанишлари учун бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатилиб, ҳолидан доимий хабар олинляпти. «Аёллар дафтари»га киритилган, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларига имтиёзли кредитлар олиб берилиб, бандлиги таъминланяпти.

Мисол учун, Оққўрғон кўчасида яшовчи Зарифа Шокирова субсидия асосида тикув машиналари олиб, маҳалла ҳудудидида шинамгина тикувчилик маркази ташкил қилди. Бу билан йиғиндаги қўлида ҳунари бўла туриб, бекор юрган 5 нафар хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаб, оиласи даромадига кўшимча даромад киритмоқда. Шу кўчада яшовчи Баҳром Азизов ўз маблағи ҳисобига маҳалла ҳудудидан новвойхона ташкил этиб, 4 нафар ёшларни иш билан таъминлаб, аҳолига нон етказиб беришни йўлга қўйди.

— Маҳалламизда тикувчилик маркази йўқ эди, — дейди Зарифа Шокирова. — Йиғиндаги хотин-қизлар кўшни маҳаллалардаги тикув марказларида кийим-кечакларини тиктириб, қимматлигидан нолишарди. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан субсидия олиб тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 нафар аёлларни иш билан таъминладим. Келажақда тадбиркорлигимни янада кенгайтириш режам бор.

Умуман олганда, бугун маҳалла кўчалари тамомила ўзгача қиёфа касб этмоқда. Ишсиз, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган одамларга маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси «лаббай» дея қўлидан келганча кўмак бериб, ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига кўмаклашмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Оҳангарон туманида сайёр қабул ўтказилди



Аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида ўтказилган сайёр қабулда тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатлари тингланиб, муаммолари шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳолига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага бериш масалалари муҳокама қилинди.

— Сўнги йилларда тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадоннинг шароити билан танишиб, аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиб, уларни тезкор ва самарали ҳал қилиш чораларини кўрмоқда, — дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайитмат Йўлдошев. — Асосий эътибор — оғир ижтимоий аҳволдаги, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган

инсонларни қийнаётган масалаларга ечим топишга қаратилмоқда. Бу галги сайёр учрашувнинг яна бир муҳим жиҳати — масъуллар, ишчи гуруҳи аъзолари бевосита ҳудудларга чиқиб, ўша ерда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, кекса нурунийлар, фаоллари билан мавжуд муаммолар хусусида муҳокамалар ўтказиб, уларга жойида ечим изламоқда. Бу эса аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Қабул жараёнида 34 нафар фуқаро иштирок этиб, уларга ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шаҳар адлия бўлими томонидан 11 нафар фуқаронинг мурожаати иш юритувга қабул қилиниб, шу ернинг ўзида 6 нафар фуқарога сайёр нотариал ҳаракат амалга оширилди.



«2022 ЙИЛДА 300 НАФАРДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИК. ҲОЗИРГИ КУНДА, АСОСАН, КАСАНАЧИЛИККА ЭЪТИБОР БЕРЯПМИЗ. АЁЛЛАРИМИЗ ЧЎҚИМА КАШТА, РЎМОЛ ТЎҚИШ, ТИКУВЧИЛИК, ҚУРОҚ ТЎҚИШ БИЛАН БАНД»

ХУНАР ИНСОНИ ҲАМ, ҲАЁТНИ ҲАМ БЕЗАЙДИ

Мирзачўл тумани кейинги йилларда мутлақо ўзгарди. Бунёдкорлик ишларидан сўнг ҳар бир маҳалла обод манзилга айланди. Хусусан, «Ғалаба» маҳалласи бугун янги қиёфага кирди. Тан олиш керак, чўл ҳудудда жойлашган туманимиз узоқ йиллар эътибордан четда қолиб кетган эди. Инфратузилма объекти эскириб, маиший қийинчиликлар юзага келганди.

Президентимиз ташаббуси билан «Обод қишлоқ» дастури қабул қилинган, кўплаб ҳудудлар сингари маҳалламиз том маънода обод бўлди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилди, йўл бўйлари ва майдонлар ободонлаштирилди. Бугун бу жойлар янги қиёфа касб этган. Айниқса, янги ишлаб чиқариш объекти барпо бўлиши натижасида иш ўринлари яратилди.

«Фахр Мўмин» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилиши билан 150 нафар маҳалладошимиз бандлиги таъминланди. Собиқ пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биносида қарийиб 3 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари натижасида бунёд бўлган корхонада уй бекалари ва коллежларни битирган қизлар «Тадбиркор аёл» уюшмаси кўмагида тикувчилик касбига қайта тайёрланиб, иш билан таъминланди.

Корхона йилига 8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кўп миллатли маҳалламиз аҳли иноқ ва тотувликда ҳаёт кечирилади. Айниқса, аҳоли мурожатлари билан ишлаш, муаммоларини ҳал этишда маҳалладаги «бешлик» ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллада жорий этилган хотин-қизлар фаоли лавозими аёллар ва қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлигига кўмаклашиш, оилалар муаммолари билан ишлашда муҳим воситага айланди.

Мен ушбу лавозимда 3 050 нафар хотин-қиз билан иш олиб бораётман. 2022 йилда 300 нафардан ортиқ хотин-қизларни иш билан таъминладик. Ҳозирги кунда, асосан, касаначиликка эътибор беряпмиз. Аёлларимиз чўқима

кашта, рўмол тўқиш, тикувчилик, қуроқ тўқиш билан банд. Маҳалла кўмаги билан ҳудудимизда «Ғалаба» тикувчилик корхонаси ташкил этилган бўлиб, 2023 йил бошида бу ерга 60 нафар аёл ишга жойланди.

Шунингдек, тадбиркорликка қизиқувчилар кўпчилигини ташкил этиб, улар маҳалла кўмагида ўз фаолиятини бошлаб, даромадли бўлмоқда. Масалан, Озода Мустафоева имтиёзли кредит ҳисобига хонадонидан нон цехи очди. Қунига 1000 донанон маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Келгусида фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ниятида.

Аёллар касб-хунарли бўлса, қўлидан бир иш келса, ҳаётда ўз ўрнини топиши осон кечади. Шу сабаб ёш қизларнинг ҳам хунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда «Хунармандлар маркази» ташкил этганмиз.

Бу ерда аёллар ва қизлар тикувчилик сирларини ўрганмоқда. Маҳалламизда яшовчи Латофат Худойбердиева ўзининг кичик тадбиркорлигига эга. У 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фаолиятини бошлаган. Марина Хозиева хунарманд аёлларимиз орасида алоҳида ажралиб турарди. Асли миллати немис бўлган бу аёл миллий қуроқчилик билан шуғулланиб, маҳалладаги аёлларга хунар сирларини ўргатмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятдаги ҳар бир оиланинг бахтли бўлишида аёлларнинг ҳиссаси бекиёс. Бугун уларнинг орзуларига етишишида маҳалла чинакам кўмакчига айланмоқда. Бунда тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётган амалиёт ютуқларга омил бўлмоқда.

Феруза ЎСАРОВА,
Мирзачўл туманидаги «Ғалаба» маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Кутубхонага кўмак зарур...



«Mahalla» газетасининг 2023 йил 14 январдаги 2-сонида «Қачон барча маҳаллада кутубхона бўлади?» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда туман ва шаҳар марказидаги маҳаллалар билан бир қаторда, чекка ҳудудлардаги йиғинларда ҳам кутубхоналар ташкил этилаётгани, сўнгги йигирма йилда 6 мингдан зиёд кутубхоналардан атиги 400 таси «яшаб қолгани», илмий авлодни тарбиялаш учун одамларни кутубхоналарга қайтариш, ундан аввал эса кутубхоналар сонини кўпайтириш кераклиги баён этилган.

Айтишим керакки, юқоридагилар — айнан кўнглимдаги гапларнинг инъикосидир. Зеро, ўзим ҳам Жарқўрғон туманининг олис маҳалласида кутубхона ташкил этганман. Ўтган йили «Минор маънавият ва маърифат маскани» ўқув маркази Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси асосида иш бошлади. Кутубхонада хориж тиллари: араб, инглиз, рус тилларини ўргатиш тўғрисида, математика, «IT» ва компьютер саводхонлиги бўйича курслар фаолияти йўлга қўйилган. Домий тарзда «Заковат» интеллектуал ўйинларини ўтказиб келамиз. Ҳозир кутубхонага 260 нафар китобхон аъзо. Уларнинг сонини ошириш имкони бор, фақат бунинг учун бизга кўмак зарур.

Бизни қийнаётган масала — хорижий тиллар, математика, «IT» бўйича ўқитувчилар бор, аммо уларга ойлик маош олиб ишлашига иш ўрни ажратилмаяпти. Шу боис, имкони бўлса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ёки Ёшлар ишлари агентлигидан молиявий кўмак берилса, қолаверса, ҳозирда фонд томонидан «Ҳар бир маҳаллага китоб» акцияси ўтказилмапти, унинг доирасида бизнинг маҳалладаги китобхонлар учун ҳам ўзбек ва хориж адабиётлари ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жонпўлат ЭРМУРОДОВ,
Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон минораси» маҳалласидан.

ЖАҲОНДА ҲАР ЙИЛИ
ЎРТА ҲИСОБДА

8 МИЛЛИОН
НАФАР БОЛА ЙЎҚОЛАДИ.

**БЕДАРАК КЕТГАНЛАРНИНГ
НОРАСИДА ГЎДАК ЭКАНИ
ВА ҲИМОЯСИЗ ҚОЛИШИ
МУМКИНЛИГИ ВАЗИЯТНИ
ЯНАДА ЧИГАЛЛАШТИРАДИ**

Авваллари бола ўғрилари ҳақида камдан-кам эшитардик. Халқимиз болажон бўлгани учунми, юртимизда бундай жиноятлар кузатилмас эди. Болангиз йўқолиб қолса ҳам қўшниликдан, ё бўлмаса, синфдошиникдан топиларди. Ота-она учун фарзандидан ажралиш — энг оғир азоб бўлса, жигаргўшасининг бедарак йўқолиши — ақлдан оздиргудек мавҳумлик, даҳшатли аросат экани ҳаммага аён. Аммо, минг афсуски, болалар турли сабабларга кўра барибир йўқолиб туради, аксарияти кейинчалик топилса-да, айримлари мутлақ бедарак кетади...



БОЛА ЎҒИРЛАНГАНЛИГИ АСОССИЗ КАБАР!

Дунё бўйича бу борадаги статистика билан танишиб, даҳшат ва ҳайратдан ёқа ушлаймиз: жаҳонда ҳар йили ўрта ҳисобда 8 миллион нафар бола йўқолар экан. Ахир бу йирек мегаполис ёки ўртача бир давлат аҳолиси билан тенг. Қолаверса, бедарак кетганларнинг норасида гўдак экани ва ҳимоясиз қолиши мумкинлиги вазиятни янада чигаллаштиради. Масалан, Европа Иттифоқида ҳар йили 250 000 нафар, яъни ҳар икки дақиқада биттадан бола йўқолар экан. АҚШдаги маълумотлар янада кўрқинчли: ҳар йили полицияга фарзандини йўқотган ота-оналардан 450 000 тадан 800 000 тагача муружаат келиб тушади. Россияда ҳар йили 15 000 бола йўқолгани рўйхатга олинди ва уларнинг кўпчилиги нотинч оилаларнинг фарзандлари экани қайд этилади.

Шукрки, халқимиз азалдан болажон бўлгани сабабли юртимизда юқоридаги каби жиноятлар содир этилмас, бола ўғрилари деган гаплар бўлмас, ота-оналар фарзандларини хотиржам мактаб ё боғчага юборишар эди. Бироқ бугун негадир ижтимоий тармоқларда бола ўғрилари ҳақидаги хабарлар тарқалиб, кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бундай хабарларни эшитган борки, фарзандларини кўчага чиқариш у ёқда турсин, ҳатто мактаб ёки боғчага ёлғиз юборишга чўчиб қолишди. Тўғриси, бундай хабарлардан сўнг фарзандингизни сиз ҳам мактаб ёки боғчага юбориб, уйда хотиржам ўтира оласизми? Йўқ, албатта. Улар келгунча ҳар хил ҳаёлларга бориб, юрак ҳовучлаб ўтиришингиз тайин. Ахир ўз дилбандидан хавотир олиш фақат одамзодда эмас, балки бутун тирик жонзотларга хос хиссиётдир.

Ўтган ой ижтимоий тармоқларда бола ўғрилари ҳақида тарқалган ха-

барлар одамларни анчагина хавотирга солиб, сергаклантириб қўйди. Аввалига Тошкент шаҳрининг Яшнабод туманидаги 151-умумтаълим мактаби ҳудудидан номаълум шахс ўқувчини мактаб ҳудудидан судраб олиб кетмокчи бўлди. «Хурматли ота-оналар, болаларни мактабга кетишларида ва қайтишларида назоратни кучайтиринг! Илҳомни борича кўз-қулоқ бўлинг!» деган видеолар тарқалди.

Ушбу видеолар тарқалганига ҳали кўп бўлмасдан ижтимоий тармоқларда «Эҳтиёт бўлинглар, «дом»дагилар, мана бундай «шайка»лар пайдо бўлибди. Камида 30-40 киши. Мабодо ўлдириб сотадиган бўлишса, ёш боланинг организми қиммат туради. Булар кимлигини ҳеч ким билмайди. Қайси хонадонда ёш болалар бор, уйда кундузи катталар бўладими-бўлмайди-ми, маълумот йиғиб юрган бўлишлари ҳам мумкин» дея номаълум эркакнинг овозли хабари тарқалди.

Бу овозли хабардаги «болаларнинг ички органлари қиммат туради» деган гаплар одамларнинг шубҳасини ошириб, фарзандлари хавфсизлигига янада хушёрроқ бўлишга ва ижтимоий тармоқларда жиноятчилар топилиб, уларга тегишли тартибда жазо қўллаш кераклиги ҳақидаги баҳсли мунозаралар авжига чиққан бир вақтда «Бола ўғрилари ушландими?» мазмундаги яна бир видео хабар ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Унда айтилишича, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида бир нечта аёллар бола ўғирламокчи бўлишгани ва маҳалладаги аёллар тезда ички ишлар ходимларига хабар беришгани ҳақидаги хабар одамларнинг кўнглига ғулғила солиб қўйди. Хўш, тарқалаётган бундай хабарлар қанчалик асосли? Қанчалик ҳақиқатга яқин?

— *Ижтимоий тармоқларда гўёки*

бола ўғрилари пайдо бўлгани ҳақида ёлғон хабарлар тарқалмоқда, — дейди **Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Шохрух Фуёсов**. — Бу хабарлар остида бир нечта аёлларнинг фотосурати ва шахсий маълумотлари жойлаштирилган бўлиб, турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Хурматли фуқаролар, бу каби асоссиз хабарларга ишонмаслигингизни ва аҳоли орасида сунъий равишда шов-шув кўтармаслигингизни сўраймиз. Унутманг, ёлғон ахборот тарқатиш, шунингдек шахснинг розилигисиз шахсий маълумотларини ошкор қилиш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бу каби ёлғон хабарларни тарқатган шахсларни аниқлаш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ томонидан текширув ўтказилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ижтимоий тармоқларда бола ўғрилари ҳақидаги илк хабарлар тарқалиши биланок мутасаддилар томонидан ўрганилиб, бу бўйича расмий муносабат эълон қилинган. Масалан, Жиноят ишлари бўйича Яшнабод тумани судида 2023 йил 19 февраль куни спиртли ичимлик истеъмол қилиб олган ҳолда тумандаги 151-умумтаълим мактаби биноси олдида ўтиб кетаётган вояга етмаган ўғил болани ҳеч бир сабабсиз тўхтатиб, мантқиқсиз савоалга тутиб, қўлидан маҳкам сиқиб қўйиб юбормасдан, майда безорилик қилган, деб топилган шахс ушбу ҳаракатлари билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган, деб топилган ва 10 сутка озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Аммо юқоридаги каби ваҳимали видеолар ва овозли хабарларни эълон қилган ижтимоий тармоқлар фаоллари юқоридаги биронта ҳолат бўйича берилган расмий муносабатларни негадир ўз каналла-

“

«Эҳтиёт бўлинглар, «дом»дагилар, мана бундай «шайка»лар пайдо бўлибди. Камида 30-40 киши. Мабодо ўлдириб сотадиган бўлишса, ёш боланинг организми қиммат туради. Булар кимлигини ҳеч ким билмайди. Қайси хонадонда ёш болалар бор, уйда кундузи катталар бўладими-бўлмайди-ми, маълумот йиғиб юрган бўлишлари ҳам мумкин» дея номаълум эркакнинг овозли хабари тарқалди.

рига жойлашмади? Бундай асоссиз ёлғон ахборотларни тарқатишдан мақсадлари нима эди аслида?

Шу каби саволлар ҳеч тинчлик бермайди одамга. Кимлардир мана шундай шов-шувлар орқали машҳур бўлиб олади, деса, яна биров шу орқали одамларнинг эътиборини жалб қилган ҳолда ўз обуначиларини кўпайтириб олмокчи бўлганлар талайгина, дейди. Агар шу орқали обуначиларни кўпайтиришни мақсад қилган бўлса, нега расмий муносабатларни эълон қилишмади? Ахир расмий муносабатни ким биринчи бўлиб берса, одамлар шу сайтга ёки телеграм каналга ишонади, табиий равишда обуначилари кўпаяди. Мана ҳамон ушбу видеолар ва овозли хабарлар эълон қилинган тармоқларда юқоридаги ҳолатлар бўйича билдирилган расмий муносабатлар жойлангани йўқ. Уларнинг мақсади обуначиларининг сонини ошириш бўлса, унда одамлар орасида ёлғон ахборотлар тарқатиб, улар орасида шов-шувлар уйғотишининг нима кераги бор?

Тўғри, мана шундай хабарлар орқали одамлар фарзандига эътиборлироқ бўляпти, юқоридагидек ҳолатлар юз бермаслиги учун фарзандлари хавфсизлигига сергакроқ қарашмоқда. Аммо бу дегани одамлар орасида ёлғон ахборот тарқатиш керак дегани эмас-ку. Ахборотларни тарқатишнинг ўзига яраша қонун-қоида, тартиби бор. Қолаверса, ёлғон ахборот тарқатганлик учун қонунда жавобгарлик мавжуд. Шу ўринда одамлардан ҳар хил ёлғон ахборотларга ишониб қолмасликларини сўраб қолган бўлардик. Зеро, яхши хабар ҳам, ёмон хабар ҳам агар текширилмаса, одамларда нотўғри ҳулоса чиқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

ТЕГАЖОҒЛИК,

БУ — ХУШОМАДМИ
ЁКИ ЗЎРАВОНЛИК?

ЁХУД АМАЛДАГИ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИДА ТЕГАЖОҒЛИК
ҚАРАКЛАРИНИ СОДИР
ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТТИ-
ҚАРАКЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО
ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалар ва ижтимоий тармоқлар орқали хотин-қизларга нисбатан номаълум шахслар томонидан амалга ошириладиган турли ахлоқсиз босимлар ва тегажогликлар ҳақида хабарлар тез-тез эълон қилинмоқда. Ижтимоий институтлар томонидан жамиятимизда учраётган бундай турдаги қонунбузилиши ҳолатларига эътибор қаратилиши қувонарли ҳолат, албатта. Бироқ, аслида, жамиятда тегажоглик деганда нима тушунилади?

«Тегажоглик» иборасини тушуниш ҳақида мутахассислар ва илмий доираларда турли-туман қарашлар мавжуд. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тегажоглик» айнан «тегажаклик» сўзининг синоними сифатида ишлатилиши кўрсатилган бўлиб, «тегажаклик» – бировнинг аччиғини, жаҳлини чиқариш учун атайлаб тегишиш, ҳазиллашиш, деган маъноларни билдиради.

Муқаддас динимиз исломда тегажоглик гуноҳи кабиралардан саналган зиннинг содир этилишига сабаб бўлувчи ишлардан бири сифатида талқин қилинади. Диний ва ахлоқий тамойилларга кўра, тегажоглик қилиш хоҳ эркак, хоҳ аёл томонидан бўлсин, номақбул иш сифатида қабул қилинади. Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга кўра, жамиятда инсонлар ҳурмат ва қонунлар ҳимояси остида ўзаро мулоқот қилишлари зарурлиги белгиланган. Бош қомусимизда инсон эркин, шахсий дахлсизлиги кафолатлангани қайд этилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: амалдаги қонун ҳужжатларида тегажоглик ҳаракатларини содир этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо чоралари белгиланганми?

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкин, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда тегажоглик содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг, бўлиши мумкин бўлган қилмишларнинг рўйхати тузилмаган. «Тегажоглик хушомадми ёки зўравонлик ёхуд тазйиқ?», деган масалаларни тартибга солиш ишлари қонунчиликда мавжум бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги хотин-қизларга нисбатан содир этилган тегажоглик қилиш ҳолатларига нисбатан қўлланилган жазо чораларини таҳлил қиладиган бўлсак,

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида «тазйиқ» ва «зўравонлик» тушунчаларига таъриф берилган бўлиб, унга кўра:

➤ **зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига таъвоуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

➤ **тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимликни назарда тутувчи норма киритилган.

кўпчилик ҳолатларда ички ишлар органлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси (майда безорилик) кўра тоифалангани ва ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича туман судига ишни кўриб чиқиш учун олиб чиқилгани ҳақидаги хабарларни кўраимиз.

Эътибор берадиган бўлсак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси «майда безорилик» деб номланиб, унинг диспозиция қисми «майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг озо-йишталлигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик», деб баён этилган.

Бироқ юқоридагилар ҳуқуқбузарни «тегажоглик» содир этгани бўйича маъмурий жавобгарликка тортишда асос бўладими, деган мунозарали савол юзага келади. Шу сабабли, содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг, содир этилиши мумкин бўлган қилмишларнинг рўйхати аниқ қилиб белгиланиши зарур. Акс ҳолда биз муҳокама қилаётган ҳолат бўйича ҳуқуқий баҳолаш турлича талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кундалик ҳаётимизда содир бўладиган тегажоглик каби тушунчаларни қонун ҳужжатларида аниқ қилиб белгилаш ва унга кўра, профилактик тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ саналади.

Равшан ИСАМУТДИНОВ,
Марказий сайлов комиссияси
ҳузуридаги Ўқув маркази
директори ўринбосари, эксперт.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Тиббий
харажатлар
қоплаб
беради

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари тўлаб берилади.

Бунда дори-дармон олиб бериш учун БҲМнинг 20 бараваригача (6 млн. сўмгача) ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БҲМнинг 100 бараваригача (30 млн. сўмгача) миқдордаги харажатлар «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-
маърифий газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
8 500 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-318
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

